

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА «МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНинг ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДА



LexUZ шарҳи

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 сентябрдаги 731-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблаш түгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мањнавий-маѓрифий ишлар самараодорлигини ошириши ва соҳани ривожлантиришини янги босқичга кўтариши түгрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон қарори)»ги қарорига асосан ўз кучини ўйқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Мањнавият ва маѓрифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш түгрисида» 1994 йил 23 апрелдаги **Фармонининг** бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Белгилаб қўйилсинки, Республика Мањнавият тарғибот маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиш билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

Республика Мањнавият тарғибот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимларини молиявий таъминлаш ва улар томонидан барча хилдаги тарбиявий-маѓрифий тадбирлар ўтказиш харажатлари тегишлича маҳаллий бюджетлар ва хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланиши қайд қилинсин.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

2. Республика Мањнавият тарғибот маркази қуий бўлимларининг тузилиши ва штатлар жадвали (техник ходимлар бундан мустасно) **3-иловага** мувофиқ тасдиқланасин

Марказга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган раҳбар бошчилик қилиши белгилаб қўйилсин.

Республика Мањнавият тарғибот марказининг ходимлари моддий-маиший, тиббий таъминот жиҳатидан республика вазирликларининг тегишли тоифадаги ходимларига тенглаштирилсин.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори билан ўз кучини ўйқотган — ЎР ҚХТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

4. Ўзбекистон зиёлилари илмий-маѓрифий уюшмаси II навбатдан ташқари қурултойининг мазкур уюшмани тутатилган деб ҳисоблаш, уюшма ҳамда унинг таркибидаги ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар ихтиёридаги пул маблағлари, кўчмас мулкларни Марказ ихтиёрига бериш ва Марказни уюшма мол-мулкининг қонуний вориси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов):

1994 йилнинг июнь ойидан бошлаб Марказни ҳамда «Тафаккур» журнали таҳририятини уларнинг асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ билан таъминласин ва ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин;

Марказ жойлашган Отатурк кўчасидаги 24-бинони таъмирлаш харажатларини тақдим қилинган ҳақиқий ҳисоб-китоблар асосида қопласин;

Марказга ва унинг журнали таҳририятига хизмат кўрсатиш учун З та енгил автомобиль саклашга лимит ажратсан.

6. Моддий-техника таъминот масалаларини зудлик билан ҳал қилиш ҳамда Марказ ва унинг жойлардаги бўйларларининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида:

Марказ хузурида ўзбек ҳалқи маданий мероси намуналарини тўплаш, илмий таҳлил қилиш ва оммалаштириш билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида ишловчи видеофотостудия тузилсин. Тўпланган видео-аудио, фото материаллар асосида маданий мерос фонди ташкил этилсин;

Фан ва техника давлат қўмитаси 1995 йилдан бошлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг социологик тадқиқотлар тематикасини танлов орқали маблағ билан таъминланувчи ишлар рўйхатига киритсин;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги ва Фанлар академияси ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ва олимларнинг Марказ ўтказадиган маънавий-маърифий тадбирларда кенг иштирок этишини таъминласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддат ичида марказнинг жойлардаги бўлимларига белгиланган тартибда амалдаги нормаларга мувофиқ хизмат хоналари, мебель, жиҳозлар ажратсинлар, телефонлар ўрнатиб берсинлар;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Фозилбеков) Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинони бир ҳафталик муддатда Марказга тўла бўшатиб бериб, шунингдек, уни икки ой муддат ичида таъмирлашни таъминласин;

Олдинги таҳрирга қаранг.

(6-банднинг еттинги хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

Маданият ишлари вазирлиги Марказ хузурида шаҳар кутубхонасининг бўлимини ташкил этсин;

Давлат матбуот қўмитаси Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини нашр нусхалари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритсин. Ҳар йили Марказ ходимлари тайёрлаган илмий-тадқиқот ишлари, тавсияномаларни нашр этишини нашриётларнинг режасига киритиш чораларини кўрсинг;

Ўзбекистон телерадиокомпанияси белгиланган кўрсатувлар ва эшиттиришлар соатлари доирасида Марказ учун алоҳида эфир вақти ажратишни назарда тутсинг;

«Тошшаҳар йўловчitrans» уюшмаси ажратилган лимитга мувофиқ марказга автотранспорт хизмати кўрсатсин;

Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Марказ ва «Тафаккур» журнали учун хизмат телефонлари, шу жумладан хукumat АТСидан телефон ва бошқа алоқа воситалари ўрнатиб берсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 8 июнь,
288-сон

Олдинги таҳрирга қаранг.

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил
8 июндаги 288-сон қарорига
3-ИЛОВА

Олдинги таҳрирга қаранг.

Республика Маънавият тарғибот маркази қуий бўлимларининг тузилиши ва штатлар жадвали

(З-илова номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)

Олдинги таҳтирга қаранг.

Қорақалпоғистон Республикаси бўлими	
1. Бўлим бошлиғи	1
2. Масъул ташкилотчи	1
3. Мутахассислар	2
Жами:	4
Вилоятлардаги бўлимлар	
1. Бўлим бошлиқлари	1
2. Масъул ташкилотчи	1
3. Мутахассислар	2
Жами:	48
Тошкент шаҳри бўлими	
1. Бўлим бошлиғи	1
2. Масъул ташкилотчи	1
3. Мутахассислар	2
Жами:	4

(З-илова матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 45-сон, 445-модда)